# ТОШКЕНТ, САМАРҚАНД, ФАРҒОНА ХИМИЯСИ КОММУНИЗМ ХИЗМАТИДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (2585) | жума, 21 февраль, 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

> *Совет экономикасининг ҳамма тармоқлари учун химиянинг ғоят катта аҳамияти бор. Лекин химиянинг қишлоқ хўжалигига кўрсатадиган таъсири айниқса катта. Аслини олганда қишлоқ хўжалигини химиялаштириш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги, уни интенсивлаш йўлидан ривожлантиришдаги революциядир.*
>
> Н. С. ХРУЩЕВ.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЛЕНИН ЙЎЛИ

ЎЗБЕКИСТОН КП САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ САНОАТ, ҚИШЛОҚ КОМИТЕТЛАРИ ҲАМДА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 38 (9253) | жума, 21 февраль, 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

КОММУНА

ЎЗБЕКИСТОН КП ФАРҒОНА САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ФАРҒОНА ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (9050) | жума, 21 февраль, 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

БИРЛАШГАН СОН

КПСС МК ДЕКАБРЬ ВА ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМЛАРИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

## ЗАРБДОР ФРОНТ

Тошкент —кун сайин гуркираб ўсаётган, юксалиб камол топаётган серқуёш Ўзбекистонимизнинг бардам тепиб турган юраги бўлса, гўзал Фарғона ўлкамиз чиройига-чирой қўшган яноғидаги холдир, азм Самарқанд эса минг йиллик тарихни ўзида мужассамлантирган кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳримиздир. Шу уч баҳодир область республикамиз экономикасида, айниқса мамлакат катта химиясини яратишда алоҳида ўрин тутади. Уч область газеталарининг —«Тошкент ҳақиқати», «Коммуна» ва «Ленин йўли» газеталарининг бугунги қўшма сони шу областлар химикларининг КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг тарихий қарорлари асосида олиб бораётган ғоят катта ижодий ишларига бағишланган.

«Халқ хўжалигида химия саноати ҳозирги вақтда биринчи ўринга қўйилаётганлигининг сабаби шуки, — дейди Н. С. Хрушчев, — химиявий маҳсулотлар ва синтетик материалларни қўлланиш моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи соҳаларида туб сифат ўзгаришларини амалга ошириш имконини беради. Бу ўзгаришлар сарфланадиган капитал маблағларни тежаш ва ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш билан бир вақтда маҳсулот ишлаб чиқаришни тез кўпайтиришга, унинг сифатини оширишга имкон беради».

Ҳа, химия чиндан ҳам мўл-кўлчилик, маъмурчилик ва фаровонлик манбаидир. Партиямиз социалистик экономикани юксалтиришда, халқимиз фаровонлигини оширишда, коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишда ғоят катта роль ўйновчи ана шу соҳани ривожлантиришнинг улкан программасини ишлаб чиқди. Эндиликда катта химияни яратиш чинакамига умумхалқ иши бўлиб қолди, у коммунизм учун курашнинг зарбдор фронти, деб эълон қилинди. Тошкент, Фарғона ва Самарқанд химиклари партиямиз чақириғига амалий иш билан жавоб бериш мақсадида зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, ажойиб ғалабаларни қўлга киритмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитлар ва турли хил заҳарли химикатларга бўлган ва тобора ошиб бораётган эҳтиёжини тўлароқ қондириш йўлида ғоят катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Чирчиқ электрохимия комбинатида, Фарғона азот ўғитлари заводида, Самарқанд ва Қўқон суперфосфат заводларида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Етти йилликнинг ўтган беш йили мобайнида республикамизда химия маҳсулотлари ишлаб чиқариш 76 процент кўпайди. Ана шу соҳада ғайрат ва шижоат, ҳиммат ва орият билан тер тўкаётган азаматларнинг меҳнатини КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети юксак баҳоладилар.

Партиямиз Марказий Комитети февраль Пленуми қишлоқ хўжалигини интенсивлаш учун минерал ўғитлар, гербицидлар, заҳарли химикатлар, чорвачилик учун химиявий препаратлар, шунингдек ўсимликларни ҳимоя қилувчи химиявий воситалар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтириш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтди. Республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Пленум қарорларига жавобан янги марраларни белгиламоқдалар. Пахтакорларимиз бу йил она-Ватанга 3 миллион 600 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга, 1970 йилга бориб эса бу кўрсаткични 4 миллион 100 минг—4 миллион 300 минг тоннага етказишни мўлжалламоқдалар. Ғаллакорларимиз бу йил дон етиштиришни 115 миллион пудга, 1970 йилга бориб эса 350—400 миллион пудга етказишга аҳд қилдилар.

Химикларимиз ана шуни ҳисобга олиб, 1970 йилга бориб химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1963 йилдагига нисбатан 4,3 баравар кўпайтириш режаларини тузмоқдалар. Шу мақсадда яқин йиллар ичида бир қанча янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади. Чирчиқ электрохимия комбинатида ўғитлар ичида сараси ҳисобланган карбамид ишлаб чиқарувчи цех яқин вақт ичида фойдаланишга топширилади. «Чирчикхиммаш» ва Тошкент лак-бўёқ заводларини, Олтинтопган полиметалл комбинатининг сульфат кислотаси ишлаб чиқарувчи цехини кенгайтириш, Фарғона химия комбинатини лойиҳадаги қувватини ўзлаштириш, Чирчиқ, Фарғона ва Самарқанд химия корхоналарида суюқ азот ўғитлари ишлаб чиқарадиган янги қувватларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Ҳа, олдимизда ғоят катта вазифалар турибди. Мўл-кўлчиликнинг муҳим омили бўлган химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ғайратимизга яна ғайрат қўшиб меҳнат қилишимиз, ишдаги камчиликларни сабот-матонат ва қатъиятлик билан тугатишимиз лозим. Афсуски, бу соҳадаги ишимизда жиддий камчиликлар ҳам бор. Жумладан, Оҳангаронда қурилиш деталлари ва пластмасса материаллари заводини барпо этиш ҳаддан ташқари кечиктириб юборилаётир. Ажратилган маблағлар ўзлаштирилмай қолиб кетмоқда.

Химия корхоналарида, химия машинасозлиги заводларида, қурилиш ташкилотларида, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларида янги қувватларни муддатидан илгари ишга тушириш ва ўзлаштириш, цех ва корхоналарни реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришдаги ички резервларни қидириб топиш ва уларни ишга солиш ҳамда шу йўл билан мамлакатга пландан ташқари химия маҳсулотларини кўплаб етказиб бериш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариш зарур. Илғор тажрибаларни ҳар бир коллектив ўртасида кенг оммалаштириш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техника ва прогрессив технологияни изчиллик билан жорий қилишга алоҳида эътибор бериш керак.

Жонажон партиямиз коммунизм қурилишини тезлаштириш мақсадида химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирингиз, деб даъват қилмоқда. Тошкент, Фарғона ва Самарқанд химиклари қўлни-қўлга бериб, улуғ ва муқаддас мақсад йўлида бундан кейин ҳам ғайрат-шижоат билан меҳнат қиладилар ва мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишини тезлаштиришга, партиямиз XXII съезди қарорларини муваффақият билан амалга ошириш ишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшадилар.





В. КАНДАЛОВ чизган плакат.

